260396

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 март, жума, 1996 йил
Сотувда эркин нархда.
№ 53 (1306)

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

*Муҳтарам Президент Жаноблари!*

*Жаҳон иқтисодий анжумани кўпгина аъзолари ва қатнашчилари билдирган фикрларга кўра, 1996 йилда ўтказилган йиллик анъанавий учрашув ҳақиқатан ҳам одатдагидан ўзгача воқеа бўлди ва «Глобаллаштиришни қўллаб-қувватлаш» масалаларида узоқ вақтгача муҳим аҳамият касб этади.*

*Мунозараларимизга ғоят катта ҳисса қўшганингиз учун барча ҳамкасбларимиз номидан Сизга алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман. Сиз билдирган фикрлар ҳамда нуқтаи назарлар юксак баҳоланди ва йиллик анъанавий учрашув томонидан жаҳон миқёсидаги ҳаракатлар дастурини шакллантириш жараёнига қўшилган муҳим ҳисса бўлди.*

*Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингиз билан танишишдан ғоятда шод бўламан.*

*Сизга эзгу тилаклар ва самимий эҳтиром билан*

**Клаус ШВАБ,**
**Жаҳон иқтисодий анжумани президенти, профессор.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В. Чжен «Банк молия муассасалари» гуруҳи директори Дэвид Хекстер раҳбарлигидаги Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси аъзолари билан учрашди.***

В. Чжен меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусийлаштириш натижалари, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш истиқболлари хусусида сўзлаб берди.

Учрашувда ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида сармоя жамғармаларини ташкил этиш, йирик корхоналарни хусусийлаштиришда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

***Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кенгашининг йиғилиши бўлди. Унда марказ олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.***

Кенгаш йиғилишида ташкилий масала кўрилди. Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари Хуршид Давронов бошқа ишга ўтгани муносабати билан вазифасидан озод этилди. Бастакор Шермат Ёрматов марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари этиб сайланди.

Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий меросини, маданият ва маънавият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини чуқур ўрганиш, ёш авлодда миллий ифтихор ва мустақил Ватан туйғусини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Республика зиёлиларининг бир гуруҳи томонидан халқаро Амир Темур жамғармаси тузилганлигини ва унинг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганлигини эътиборга олган ҳолда, кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Халқаро Амир Темур жамғармасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

буюк давлат арбоби Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир кенг тадқиқотлар олиб бориш;

Амир Темур фаолиятига оид тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни нашр этиш;

темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига ёрдам бериш;

ёш авлоднинг маънавий-маданий камол топишига, унда мустақил Ўзбекистон Республикаси истиқболидан фахрланиш ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

мамлакатимиз олимлари, адабиёт ва маданият арбобларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш.

3. Халқаро Амир Темур жамғармасининг Низоми ҳамда ташкилий тузилиши маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Фанлар академияси жамғармага барча обрўли халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишда ва яқиндан ҳамкорлик қилишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда жамғарма бўлинмаларини ташкил этиш учун бинолар ажратсинлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамғарма бошқарув аппаратини бир ой муддатда Абдулла Тўқай кўчаси, 1-уйдаги бинога жойлаштирсин ҳамда темурийлар тарихи Давлат музейини лойиҳалаш ва қуришда жамғарма бошқаруви аппаратини кейинчалик мазкур музей биносига жойлаштиришни назарда тутсин.

6. Республика вазирликлари, давлат қўмиталари, концернлари, корпорациялари, корхоналари, хўжаликлари, тижорат банклари ҳамда бошқа ҳомий ташкилотларнинг Амир Темур жамғармасига молиявий ва моддий-техника ёрдами маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан халқаро Амир Темур жамғармасига 1 миллион сўм ажратсин.

Жамғарма ва унинг бўлимлари давлат бюджетига тушадиган давлат солиқлари, божхона божи ҳамда бошқа тўловлардан 2 йил муддатга озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Амир Темур жамғармаси бошқарув аппаратига хизмат кўрсатиш учун енгил автотранспортга лимит ажратсин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси белгиланган тартибда Амир Темур жамғармасига енгил автотранспорт ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Амир Темур жамғармаси бошқарувини шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

9. «Ўздавтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситалари жамғарма фаолиятини мунтазам ёритсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 14 март

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда ижодий уюшмалар ва кенг жамоатчиликнинг таклифи асосида:

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида темурийлар тарихи Давлат музейи ташкил этилсин;

Музей учун махсус бино Тошкент шаҳрининг Амир Темур хиёбонида барпо этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда:

темурийлар тарихи Давлат музейининг Низомини ишлаб чиқиб, уни Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тасдиқласин;

темурийлар тарихи Давлат музейининг илмий дастурини, кўргазма режаларини ҳамда музей фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиб тасдиқласин ва уларни амалга оширишга киришсин;

асосий бино ишга тушгунига қадар музей дирекциясининг фаолияти учун жой ажратсин.

3. Музейнинг штатлар сони 22 нафардан иборат этиб тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда чет элларда сақланаётган Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий ҳужжат-ашёлар, осори-атиқалар рўйхатларини аниқласин ва уларнинг (ёки нусхаларининг) Ўзбекистонга олиб келинишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон рассомлар уюшмаси билан биргаликда давлат буюртмаси сифатида темурийлар тарихи Давлат музейи учун қирқ дона мавзули тасвирий санъат асарларини тайёрласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги музей фаолиятини таъминлаш учун ҳар йили республика бюджетидан зарур маблағларни ажратишни назарда тутсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 14 март




**ТАНДИРДАН ЯНГИ «УЗИЛГАН» ХАБАРЛАР**

### ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ

***«Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятига векселлар дадил кириб келди. Қонуний тўлов воситаси сифатида векседдардан фойдаланиш мижозлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилишдаги кескинликни камайтиради.***

Бу қимматли қоғозларнинг жорий этилиши қарзларни анча камайтириш, корхона ва ташкилотлар сармояларининг айланишини тезлаштириш, банкка эса қўшимча даромад олиш имконини берди.

### ЯККАТОЛ БОЗОРИНИНГ ШУҲРАТИ

***Андижон вилоятининг Бўз туманидаги Яккатол қишлоғида очилган деҳқон бозори тезда довруғ таратди.***

Бу ерда туман ҳокимлигининг ташаббуси ва Манноп Жалолов номидаги кооператив уюшманинг мададди билан ҳашар ўтказилиб, шийпонлар, савдо дўконлари, чойхоналар, чорва моллари сотиладиган қўралар қурилган эди.

Эндиликда пайшанба ва якшанба кунлари Андижон ва Фарғона вилоятлари туманларидан одамлар бу ерга савдо қилиш учун келишмоқда.

### ҚУВАСОЙНИНГ БЕЗАК ҒИШТИ

***Қувасой ғишт заводида янги маҳсулот — оқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Зах тортмайдиган бу ғиштдан тикланган уйлар нурамайди, ёзда салқин, қишда эса иссиқ бўлади. Оқ ғишт биноларни безашда ҳам қўл келади. Янги маҳсулот истеъмолчи талабига қараб турли хажмда тайёрлаб берилади.

### ЧЎПОНЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

***Жиззах воҳасининг ҳудудсиз яйловларида чорва ташвишини енгиб қўй боқаётган чўпонларга яқинда юз минг сўмлик дори-дармон, уч юз минг сўмлик иссиқ кийимлар, олти юз минг сўмлик озиқ-овқат етказиб берилди.***

Бунга вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, халқаро «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими, «Дори-дармон», «Баққоллик» ҳиссадорлик жамиятлари, Қизил ярим ой жамияти ҳомийлик қилдилар.

### «МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ» АМИР ТЕМУРГА БАҒИШЛАНДИ

***Қорақалпоғистондаги Қонликўл туманида жойлашган Т. Жумамуродов номли ўрта мактабда ўтказилган «Мўъжизалар майдони» ўйинининг мавзусини буюк саркарда Амир Темурнинг ҳаётига алоқадор бўлган воқеа-ҳодиса ва саналар ташкил қилди.***

Қизиқарли ўтган ушбу ўйин давомида кўплаб томошабинлар унинг иштирокчиларидан Ватанимиз тарихида беқиёс ўрин тутган улуғ давлат арбоби ҳаёти ва фаолиятига оид қатор ноёб маълумотларни билиб олдилар.

Ғолиблар учун совға-саломлар мактаб маъмурияти томонидан тайёрланди.

### ШАҲАР ДЕВОРИ ТИКЛАНАДИ

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг Хива шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ унинг кўҳна қалъа деворларини таъмирлашга киришилди.***

Шаҳарнинг Ичон қалъаси 2200 метр узунликдаги ҳашаматли девор билан ўраб олинган бўлиб, вақт ўтиши билан путурдан кетган эди. Эндиликда бу деворлар тикланади. Шаҳар девори ҳамда бу ердаги 40 дан кўпроқ тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш учун 200 миллион сўм маблағ ажратиляпти.

*• Биртаям танқид натижасиз қолмайди*

## «ИШЛАМАГАНГА БАҲОНА ТОПИЛАВЕРАДИ»

**(«Халқ сўзи» 1996 йил, 24 январь)**

***Газетамизда шу йилнинг январь ойида чоп этилган «Ишламаганга баҳона топилаверади» ва «Боқимандалар» сарлавҳали танқидий мақолаларда Хоразм вилоятидаги «Ал-Хоразмий» ҳамда «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида йўл қўйилаётган жиддий камчилик-нуқсонлар қаламга олинган эди. Яқинда таҳририятимизга мазкур мақолалар бўйича Хоразм вилоят ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хатлари келди:***

Вилоят ҳокимининг кўрсатмасига мувофиқ махсус гуруҳлар тузилиб, мақолада кўрсатилган масалалар вилоятдаги барча хўжаликлар ва ҳокимликларда ўрганиб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Мақола Хонқа туманининг Ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги вакиллари йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Йиғилиш қарори билан 1995 йилда шоли етиштириш ва давлатга сотиш шартнома мажбуриятларини бажармаган саккиз нафар бригада бошлиғи вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, бош ҳосилот А. Абдуллаев ва саккиз нафар бригада ва участка бошлиқларига қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Хонқа тумани ҳокимлиги мақолада қайд қилинган камчилик ва нуқсонларни тўла-тўкис бартараф қилиш юзасидан зарур чоралар кўрмоқда. Туман ҳокимининг қарори билан жамоа хўжалиги аъзоларининг фикрларини эътиборга олган ҳолда хўжалик бошқаруви раиси М. Собировга қаттиқ хайфсан берилди. Унга кўрсатилган камчиликларни тугатиш ва йилнинг ҳар чораги якуни бўйича ахборот бериб бориш топширилди.

## «БОҚИМАНДАЛАР»

**(«Халқ сўзи» 1996 йил, 25 январь)**

1995 йилда вилоят бўйича ўз ишига масъулиятсизлик билан қараган 260 нафар хўжалик раҳбари, бригада, участка бошлиғи, мутахассис ва ферма мудирлари ишдан четлатилди. Доимий равишда шартномада белгиланган ҳажмдаги маҳсулотларни етиштириб бермаётган 4700дан зиёд пудратчилар, ижарачилар билан шартномалар бекор қилинди ва маҳаллий ишбилармон деҳқонларга берилди.

«Боқимандалар» фельетони бўйича Дўстлик шаҳар ҳокимининг қарори билан шаҳар «Агрохизмат» уюшмаси раиси О. Худойберганов эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси И. Иброҳимовга аҳволни ўнглаш учун олти ой муҳлат берилди. Ва акс ҳолда ишда қолмаслиги уқтирилди. Охунбобоев номли ҳиссадорлик жамияти собиқ раиси Ю. Қаландаров фаолияти бўйича шаҳар прокуратураси шуғулланаётганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Вилоят ҳокимлиги мақолаларда кўтарилган масалаларни юқори даражада амалга ошириш бўйича тегишли раҳбарларга нисбатан талабчанликни янада кучайтиради.

**И. ЮСУПОВ,**
**Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи.**

***Янгиқўрғон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 772 гектар майдондаги буғдойни парвариш қилишмоқда. Ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб туришибди. Шунингдек хўжалик деҳқонлари 280 гектар майдонга картошка экиб, ҳар гектар ердан 200 центнердан ҳосил олишни режалаштиришмоқда. Ана шу боис ҳозир хўжалик далаларида иш қизғин.***

***СУРАТДА: 13-бригада бошлиғи Лутфулла Эрматов бригада аъзолари Сорахон Йўлдошева ва Тўхтахон Эрматова билан.***

**Тожиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**



## ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

***Пойтахтнинг «Баҳор» концерт залида «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб аталган қўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлди.***

У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик жуда қизиқарли бўлиб, унда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб республикадаги бир қанча педагогика институтлари талабаларигача иштирок этди. Кўрик қатнашчиларининг она Ватан гўзаллиги, унинг истиқлолини мадҳ этган қўшиқлари таниқли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан яхши баҳоланди.



Биринчи ўрин таниқли болалар шоири Пўлат Мўмин ва бастакор Рустам Абдуллаевнинг «Шодлик» қўшиғини ижро этган республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» болалар хор гуруҳига берилди. Пойтахтнинг 607-болалар боғчаси тарбияланувчилари ва Юнус Ражабий номидаги педагогика билим юрти хор гуруҳи иккинчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳар ҳунар-техника билим юрти маданият уйи қатнашчиси К. Йўлдошев, Нукус педагогика институти талабаси Э. Турдибекова ва Навоий педагогика институти хор жамоаси учинчи ўринни баҳам кўришди.

**(ЎзА).**

## «СИҲАТ» ДЕБ АТАЛДИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси ўғитлар институти олимлари ғўзанинг баргини тўкадиган янги самарали дори ишлаб чиқдилар.***

Олдинги дориларга нисбатан анча зарарсиз бўлгани учун унга «Сиҳат» деган ном берилди. Дори маҳаллий чиқиндидан тайёрланади, шунинг учун анча арзон ҳам тушади. Айниқса, унинг ҳар қандай ҳароратда кучини сақлаб қолиши ва ғўзага таъсир қилиши қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

**УШБУ СОНДА:**

**2** — *БАНК ТИЗИМИ КУЧЛАРИ БИРЛАШМОҚДА* / *АРМОН ВА ДАЪВАТ*

**3** — *МЕҲНАТ, ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА, КАФОЛАТ* / *БАНДЛИК ХИЗМАТИ — КЎМАКДОШИНГИЗ*

**4** — *Темурхонлик мулоқотлари* / *Амир Темур француз олими наздида*

*• Бугуннинг гапи*

# БАНК ТИЗИМИ КУЧЛАРИ БИРЛАШМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Банклар уюшмаси бош директорининг биринчи ўринбосари Қ. ЖУМАБЕКОВ билан мулоқот**

**— Қулайберген Ўразбоевич, суҳбатимиз аввалида уюшманинг мақсадларию вазифалари хусусида сўз юритсак.**

— Президентимиз республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида «Ҳозирги босқичда банк ва молия-кредит тизимининг такомиллаштирилиши ва уларнинг жаҳон даражасига етказилиши муҳим аҳамият касб этиши лозим», деб алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Ҳукуматимиз мазкур масаланинг сиёсий жиҳатдан муҳимлигига эътибор қаратиб, ўтган йилнинг ёзида республика банклари жамоатчилигининг уюшма таъсис съездини чақириш тўғрисидаги ғоясини қўллаб-қувватлади. Сизга маълумки, бу анжуман 1995 йилнинг 28 июлида бўлиб ўтди. Унда уюшманинг Низоми қабул қилиниб, Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури тасдиқланди.

Уюшманинг асосий мақсадига тўхталадиган бўлсак, бу тижорат банкларининг жаҳон андозалари даражасидаги тараққиётга эришиши ва мамлакатимиз банк тармоғининг бундан кейин жаҳон банк тизимига қўшилиб кетишини таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги вақтда бирорта банк, ҳатто республиканинг йирик банки ҳам якка ҳолда ушбу мураккаб ва кўп босқичли муаммони ҳал этишга қодир эмас. Муддаога эришиш учун, албатта, банк тизимининг барча иштирокчилари, биринчи навбатда тижорат банклари ўз кучларини бирлаштиришлари зарур. Миллий банк тизимини тубдан янгилаш дастурига эга уюшмамизнинг бутун фаолияти ана шу мақсадга йўналтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги қарорида республика банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини бажаришга доир чора-тадбирлар маъқулланиб, вазирликлар ва бошқармалар зиммасига уни амалиётга татбиқ этиш вазифаси топширилди. Мазкур ҳужжатда, бошқача айтганда, ҳукумат республиканинг барча банкларини 2 йил давомида солиқдан озод қилиш ва ушбу маблағларнинг тенг қисмини уюшма орқали банк соҳасини ҳамда бевосита банкларнинг ўзларини ривожлантиришга йўналиш йўли билан комплекс дастурни амалга оширишнинг ишончли механизмини яратиб берди.

Шуниям таъкидламоқчиманки, хорижий ишбилармонларнинг матбуоти мазкур қарорга банк тизимини ислоҳ қилишнинг қулай шароитларини яратишдаги жиддий қадам сифатида қараб, унга жуда юқори баҳо берди.

**— Ўзбекистон Банклар уюшмаси хориждаги шунга ўхшаш тизимлардан нимаси билан фарқланади?**

— Кўпгина мамлакатларда фаолият кўрсатаётган уюшмалар бутунлай жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Улар холис ҳакам сифатида мунозарали ҳолатларни ҳал этишда қатнашиб, газетаю журналларда чиқадилар. Аммо бирортаси Ўзбекистондагидек давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланмайди.

Бундан ташқари, қатор мамлакатларда Банк уюшмалари ҳокимият расмий идораларининг ўзига хос оппоненти сифатида иш юритадилар. Бизнинг уюшмамиз эса ўз фаолиятини расмий идоралар билан ҳамкорликда ташкил этиб, бозор муносабатларини шакллантириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, у тижорат банклари номидан иш кўради ва барча банкирларнинг ўз фаолиятларини иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтиришларига эришишига интилади. Зеро, уюшма — бу банкларнинг манфаатлари йўлида давлат томонидан ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг бирламчилигини таъминлайдиган демократик муассасадир.

**— Ҳозирги вақтда кўпгина банклар узоқ муддатли инвестицияни амалга оширишда сусткашлик қилаётганликлари, бир дақиқалик фойда ортидан қувиш билан банд эканликлари ҳақида турли таъаналар эшитилмоқда. Вужудга келган вазиятни ўзгартириш учун уюшма томонидан қандай чоралар кўрилиши кўзда тутилаяпти?**

— Иқтисодиётнинг самарадорлиги унинг инвестиция жараёнини таъминлаш қобилияти билан ўлчанади. Банк томонидан жамғарилган сармоя фақат истиқболли ишлаб чиқариш лойиҳаларига қўйилган тақдирдагина барқарор ва катта миқдорда фойда беради. Уюшманинг молия-саноат гуруҳларини тузиш, банк ва саноат сармоясини бирлаштиришда фаол иштирок этаётганлигини истиқболли, деб ҳисоблаймиз. Келгусида «Бизнес-фонд» ва «Ўзинвестлойиҳа» компанияси билан ҳамкорликда ўрта ва кичик бизнеснинг эҳтиёжлари ҳамда ўзига хосликларига жавоб берадиган, тижорат банкларига инвестиция қўйишда қулайликлар яратадиган, қисқа муддатда харажатларни қоплайдиган лойиҳалар бўйича илмий маълумотларнинг салмоқли базасини шакллантириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, фақат маъмурий усуллар билангина банкларни молиявий захираларни ишлаб чиқаришга қўйишга мажбур этиш мумкин эмас. Буни иқтисодий жиҳатдан қулай бўлгани учунгина қилиш зарур, холос. Биз эса йўналишда барча хизматларни кўрсатадиган замонавий инфраструктура бўлимларини тузиш орқали тижорат банклари учун қулай инвестицион иқлимни вужудга келтирмоқчимиз. Уюшма қошидаги лизинг ва консалтинг-инжиниринг компанияларининг фаолияти ана шу мақсадларга йўналтирилгандир. Мазкур тадбирларнинг нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини бизнинг ишимизда ихтисослашган, дунёга машҳур ва етакчи хорижий фирмаларнинг қатнашаётганлиги ҳам тасдиқламоқда.

**— Умумий молиявий вазият, корхоналарнинг тўловга қобилиятлилигини яхшилаш мақсадида уларни акциядорлик уюшмаларига айлантириш жараёни фонд бозорининг ривожланиш ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатаяпти. Ушбу муаммоларни ҳал этишда Банклар уюшмасининг иштироки тўғрисида нималар дея оласиз?**

— Ҳозирги вақтда мамлакат корхоналарининг катта қисми, мулк шаклига кўра, акционерлик уюшмаларига айлангани маълум. Аммо, афсуски, кенг имкониятларни очиб бераётган бундай янги мақом ва бозор муносабатларини кўпчилик акциядорлар тўлалигича англаб етмаяптилар. Бизнинг банкларимиз ҳам қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича бир қатор хизматлар кўрсатиши, шу тариқа уларнинг яқин ёрдамчилари бўлишлари мумкин. Шуни ҳисобга олиб, уюшма фонд бозорини, аввало, банкларнинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ишида иштирок этиш учун инвестиция-траст компаниясини таъсис этди. У буларнинг ҳисобини юритади, биржа маълумотларини таҳлил этади, қимматли қоғозлар бозоридаги ўзгаришларни тезликда қайд қилади ва республика банкларига малакали тавсиялар беради.

**— Маълумки, республикамизнинг банк тизимида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Ушбу ҳолатни яхшилаш учун, сизнингча, қандай тадбирлар амалга оширилмоғи лозим?**

— Уюшма таъсисчилари унинг ҳаракат дастурига мутахассислар тайёрлашнинг қатъий тизимини яратиш вазифасини ёзиб қўйишган. Айни чоғда бизнинг зиммамизга ўрта мактаблардаги банк касбларига меҳр қўйган иқтидорли ёшларни аниқлаш вазифаси ҳам юклатилган. Шу мақсадда жорий йилнинг ўзидаёқ Тошкент шаҳрида 10 та, ҳар бир вилоят марказида эса 2 та мактабда махсус синфлар ташкил этилади. Тўртта банк коллежи очилади. Шунингдек, уюшма олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, қобилиятли талабалар учун махсус стипендиялар таъсис этади.

Ҳозирги вақтда бизнинг банкларимизга фақат иқтисодчилар ва молиячилар керак эмас. Замонавий банк шундай ноёб тузилмаки, у ўзининг мижозларига сон-саноқсиз вазифаларни ҳал этишда, жумладан, мулк ва қимматли қоғозларни бошқариш, сармояларни қулай жойлаштиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши шарт. Шунинг учун банкларга таваккалчилик, дилинг, траст, фьючерс операцияларини бошқарадиган мутахассислар ғоят зарур. Фонд бозори, компьютерлаш, телекоммуникация, компьютерларнинг дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича кадрларга ҳам эҳтиёж катта. Бу муаммони ҳал этиш учун биз ҳозир барча манфаатдор вазирликлар ва республика бошқармалари, шунингдек, Европа Ҳамжамияти Қўмитаси, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки ҳомийлигида ташкил этилган Регионал банк ўқув маркази билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Уюшма олдида турган яна бир вазифа — бу Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги кунида Марказий Осиёда ягона Банк-молия академиясининг эшигини очиш ва уни дунё талаби даражасидаги банк мутахассислари тайёрлайдиган махсус ўқув юртига айлантиришдир.

**— Комплекс дастур банклар фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий базаларини такомиллаштиришни назарда тутади. Ушбу йўналишда нима ишлар қилинаяпти?**

— Ҳозирги кунда банк ишини ривожлантиришнинг жиддий муаммоларидан бири банклар фаолиятининг ҳуқуқий шартларини бундан-да такомиллаштиришдир. Шунинг учун уюшма ўзининг илк қадамлариданоқ банк тизими барча иштирокчилари ўзаро ҳамкорларининг соғлом, маданий тамойиллардан иборат бўлган мустаҳкам пойдеворини яратишга интилмоқда. Уюшма томонидан ташкил этилган бирламчи таркибий тузилмалардан бири ҳуқуқий таъминотнинг банклараро маркази бўлганлиги тасодифий эмас. Унинг вазифаси тижорат банкларининг манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, банк соҳаси учун қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, банклар билан консалтинг ишлари, шунингдек, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларидаги уюшмалар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

**— Уюшма фаолиятининг дастлабки натижаларини якунлаган ҳолда яна нималар дейишингиз мумкин?**

— Съездан кейинги давр, шубҳасиз, уюшманинг ташкилий -ҳуқуқий-таркибий тузилишини яратиш, бир қатор ташкилий-техникавий муаммоларни ҳал этиш, унинг ижроия идораларини тузиш, зарур банк-молия инфраструктурасини шакллантириш билан боғлиқ бўлди. Республика банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар ҳам аллақачон бошлаб юборилган.

**«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ ва штатсиз мухбиримиз Йўлдошали ТОЖИБОЕВ суҳбатлашди.**



**Азимжон Хайитов ўзининг бутун умрини тарихий обидаларни таъмирлашга бағишлаган. Мана 43 йилдан буён у тарихий обидалар билан тиллашади. У Боҳоуддин Нақшбанд тарихий мажмуаси, Хазрати Хўжаижаҳон мажмуаси ҳамда Туркманистон, Тошкент шаҳарларидаги обидаларни таъмирлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Устанинг 20 дан зиёд шогирдлари бор.**

**Суратда: уста Азимжон Хайитов.**

**Тоҳиржон Ҳамроқул олган сурат.**

# ЭНДИ ХАРАЖАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСА КЕРАК...

Ўтган йили Қорақалпоғистонда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва давлатга топшириш бўйича белгиланган бир қанча режалар бажарилмади. Йилни салбий кўрсаткичлар билан якунлаган хўжаликлар фаолиятини ўрганиб чиққан махсус комиссия тўплаган маълумотлар асосида республикадаги 32та қишлоқ хўжалиги корхоналари норентабелли, деб топилди. Уларнинг йил давомида кўрган умумий зарари миқдори 238 миллион сўмни ташкил қилади.

Бундай хўжаликлар, айниқса, Амударё ва Беруний туманларида кўпчиликни ташкил қилади. Республикадаги норентабелли хўжаликларнинг ҳам деярли ярми айнан шу туманларда жойлашган. Қораўзак, Тўрткўл, Тахтакўпир туманларида учтадан, Шуманой туманида эса иккита норентабелли хўжалик мавжуд.

Ўтган йилги кўрган зарари миқдори бўйича Тўрткул туманидаги Й. Қурбонов номли жамоа хўжалиги ҳаммадан ўтиб тушди. Хўжаликда бу кўрсаткич нақд 18 миллион сўмни ташкил этди. Беруний туманидаги «Бийбозор» жамоа хўжалиги эса йилни 13,5 миллион сўмлик зарар билан якунлаган. Улар фаолиятининг таҳлили катта миқдордаги сарф-харажатлар, асосан, сув танқислиги, ёнилғига, ўғитга ва меҳнатга ҳақ тўлашдаги ортиқча чиқимлар сабабли юзага келаётганлигини кўрсатади.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ўтган йилни зарар билан якунлаган хўжаликлар фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Амударё тумани ҳокими Ф. Эрмонов, Қораўзак тумани ҳокими М. Гулимбетов, Тахтакўпир тумани ҳокими З. Ималатдиновларнинг ушбу масалаларга оид ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Қорақлпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаси Раиси У. Аширбеков сўзга чиқиб, республиканинг агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларидан хўжаликларнинг зарар билан ишлаш ҳолларини бартараф қилиш, жорий қишлоқ хўжалиги йилини даромад билан якунлаш, аграр соҳа иқтисодиётини ривожлантириш масалалари юзасидан бир қатор чора-тадбирларни зудлик билан амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Пиру бадавлатлар*

# САВОБ

***Ёки уруш йилларида етти нафар етимни ўз бағрига олган Эргаш ота ҳақида***

Эргаш ота... Бу номни кўкдалаликлар ҳурмат билан тилга олишади. Айни кунда отахон 75 ёшда. У умрини ҳалол меҳнат ва савобли ишларга бағишлади.

Ота тақдир тақозаси билан пароканда бўлган оилаларнинг етти нафар фарзандларини бағрига олиб, меҳр мурувват кўрсатди, ёмон кунларда бошпана бериб, борини баҳам кўрди. Бугунги кунда улар вояга етиб, вилоятнинг қатор туманларида осойишта умр кечиришмоқда. Уларнинг бола-чақалари, невара-чевараларининг сони юз нафардан ошди.

Эргаш отанинг хатлар сақланадиган альбомини варақлайман. Бири узоқ Литвадан, бири эса Косондан, бошқаси Миракидан... Мактубларни ўқиганинг сайин кўнглинг равшан тортиб бораверади.

— Асли Кўкдаланинг Мозорли қишлоғида туғилганман, — дейди Эргаш ота. — Ўн ёшимда отадан етим қолдим. Катта-кичик саккиз фарзанд онам қарамоғида қолгандик. Кўкдала даштлари азал-азалдан ғалланинг макони эмасми, бошоқ териб, кун кечирардик.

Эстониядан 1928 йилда ватанимизга келган биринчи тракторчи аёл Минна Августовна Климент мени ўзига шогирдликка олиб, тракторчиликка ўргатди. Бир умр бу аёлдан миннатдорман. 1929 йилда эса, Кўкдалада ғалла мўл бўлди. Меҳнат кунига дон бериларди. Аста-секин рўзғоримиз бут бўла бошлади...

Етти нафар етим-есирни ўксик бошини силаб, вояга етказдим. Бизнинг тирикчилигимиз — Тангрининг эҳсони. Унинг шукронасига муҳтожлар дардига малҳам бўлиш ҳар бир кишининг муқаддас вазифасидир.

Эргаш ота ҳақида батафсил ҳикоя қилиб ўтириш бизнингча, шарт эмас. Агар йўлингиз тушиб, Кўкдалага борсангиз у ерликлар сизга «кифтини келтириб» сўзлаб беришади. Чунки кўкдалаликлар Эргаш отани биздан яхшироқ билишади-да.

**F. РАҲМОНОВ,**
**Қашқадарё.**





***Чуст—уч минг йиллик тарихга эга қадимий шаҳар. Унинг аҳолиси қадим-қадимдан заргарлик, темирчилик, кулолчилик, кўнчилик каби ҳунарлар билан шуғулланиб келган.***

# ҲУНАРМАНДЛАР ШАҲРИ

Чуст дўпписи ва пичоғининг довруғи нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам машҳур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йили шаҳар ҳокимлиги халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш борасида катта бир хайрли ишга қўл урди. Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллик байрами арафасида «Ҳунармандлар куни» ўтказилди. Бу тадбир шаҳар ва туман аҳолисининг катта байрамига айланиб кетди.



Кўрик-танловда барча фуқаролар йиғинлари жамоалари қатори мен раҳбарлик қилаётган тўрт минг аҳолиси бўлган «Навбаҳор» маҳалласи ҳунармандлари ҳам беш турдан зиёд ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашдилар.

Чуст ҳунармандчилиги хусусида гап борар экан, улар ишлаб чиқараётган турли-туман уй-рўзғор буюмлари, хўжалик ишлари учун асбоб-ускуналар, бежирим оёқ кийимлари ва эндигина тандирдан чиққан ширмой нонлар бугунги кунда бозор пештахталарини тўлдириб, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишда ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Маҳаллаларда тадбиркорлик ва ободончиликка алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Биргина бизнинг маҳалламизда шаҳар кенгашининг ноиби Муроджон Ашуров ҳамда Шарифжон Ҳасанов, Ҳабибжон Расулов сингари тадбиркорларнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида «Чоркўча», «Ғортепа» ва «Чилдухтарон» гузарлари қуриб битказилди.

Айни кунда бу гузарларда нонвойхона, чойхона, аралаш моллар дўконлари, қассобхона, сартарошхона каби хизмат турлари ишлаб турибди.

Аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимояга олиш, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш маҳалла фуқаролар йиғинларининг бугунги кундаги бош вазифаларидан биридир. Шу ҳақдаги Президентимизнинг фармонига кўра ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб ҳар кварталда юздан ортиқ ночор оилаларга моддий ёрдам бериб борилмоқда. Бизда кам таъминланган оилаларнинг аза ва маракаларини ижтимоий ҳимояга олиш, бунинг учун аҳоли ва тадбиркорлар ҳисобидан моддий ёрдам фонди ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган. Никоҳ ва хатна тўйлари харажатларини кескин қисқартирганимиз аҳолининг ўзини ўзи ижтимоий ҳимоя қилиши имконини бермоқда.

Ҳозирги кунда маҳалламиз ҳудудида иккита хусусий чойхона, иккита савдо дўкони, битта сартарошхона, иккита қассобхона, оёқ кийимларни таъмирлаш устахонаси, автосервис, «Бобуршоҳ», «Сўғдиёна» каби корхоналар ишлаб турибди.

Маҳалламиз жамоаси ёшларнинг кўпроқ зарур касб-ҳунарларни қунт билан ўрганишларига, заргарлик, жундан кигиз, теридан чарм ишлаб чиқариш каби ҳунарларни қайта тиклашга ҳамда шу йўл билан янги иш ўринларини кўпайтиришга эътиборни қаратмоқдалар.

**Саидаҳмад НАСИМХОНОВ,**
**Чуст шаҳридаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

***...1976 йил мен Совет Армияси сафидан заҳирага бўшатилдим. Қўлимда ТошДУ журналистика факультетини тугатганим ҳақидаги диплом ва мени бир ой муддат ичида ихтисосим бўйича ишга жойлаш тўғрисида ҳарбий қисмдан берилган қоғоз.***

# АРМОН ВА ДАЪВАТ

Мустақил равишдаги излашлар натижа беравермагач, ўзим яшайдиган вилоят партия комитетининг матбуот сектори мудири ҳузурига кирдим. Шундоқ-шундоқ деб вазиятни тушунтирдим.

— Партияда бормисиз? — деди сектор мудири суҳбатимиз ўрталарида.

— Йўқ.

— Эсиз, қандай яхши-яхши лавозимлар бўш турибди. Агар коммунист бўлганингизда лоақал бирон район газетасининг редактори ўринбосарлигига тавсия этардим. Афсус...

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг яқинда бир гуруҳ россиялик журналистлар билан суҳбати чоғида, жумладан, собиқ Иттифоқ республикаларида коммунистик партиялар «жонлана» бошлагани тилга олинди. Шу маънода, «Ўзбекистон Компартияси ҳам қайта тикланиши мумкинми?» деган савол кўтарилди.

Мазкур учрашувни «Зангори экран» орқали кўрар эканман, ёшлигимда бўлган ана шу воқеа ёдимга тушди.

Ўшанда мени ҳайратга солган жойи шу бўлдики, обком ходимини менинг нималар ёзишим, қаламим «ўткир»ми, йўқми, икки йиллик ҳарбий хизмат даврида ўқиганларим эсимдан чиқиб кетмаганми — бу эмас, партияга аъзолигим масаласи кўпроқ қизиқтирди.

Ишончим комилки, бунга ўхшаш мисоллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаган деярли ҳар бир фуқаро ҳаётидан топилади.

Бирон хўжалик, завод ёки илм даргоҳига раҳбар бўлишга икки номзод бор, дейлик, бири — билим доираси кенг, ташкилотчилиги, инсоний фазилатлари ҳам юксак мутахассис, фақат бир «айби» партия аъзоси эмас. Иккинчиси — бунинг акси-ю, аммо коммунист. Улардан қай бири мазкур лавозимга муносиб кўриларди? Албатта, иккинчиси. Хорижга чиқиш, тақдирлаш масалаларида ҳам шундай тартиб ўрнатилганди. Хуллас, кўтарилишнинг биринчи шарти — партия аъзоси бўлиш эди. Бу ишга айрим жойларда пора аралашгани боисини ҳам шундан изламоқ керак.

Совет халқларининг «ягона оила»си, «юксак турмуш тарзи» сингари катта-катта ёлғонларни, ҳақиқатни билиб қолмасин, чет эллардаги ҳақиқий ҳаётни кўрмасин дея, бир умр «олтин қафас» ичида сақлаб келинганимизни бир ёққа қўйиб турайлик. Планли экономика туфайли иқтисодий тараққиётнинг охирги поғоналарига тушиб қолганимизни, партияда заковат соҳиблари кўпайиб кетмасин, балки аксарият маъқуллаб қўл кўтарадиган ва қарсак чаладиганлардан иборат бўлсин, дея зиёлиларнинг «давримиз ақл-идроки ва виждони»га иложи борича яқинлаштирилмаганини айтиб ўтирмайлик. Бундай ўкинч ва маломатлар ҳар биримизнинг дилимизда қалашиб ётибди.

Лекин, собиқ КПСС яккаҳоким бўлган йиллар ҳам тарихимизнинг бир бўлаги. Бундан кўз юмишга, у йилларни тарих солномаларидан ўчириб ташлашга ҳаққимиз йўқ. Кўпчилигимиз ўша тузумдан чиққанмиз. Қолаверса, партия сафларида минглаб, балки ўн минглаб ҳалол ва содда, ишонувчан «оддий аъзолар» бор эдики, бизнинг ўша партия ҳақидаги баъзи мулоҳазаларимиз, заррача бўлса-да, уларнинг шаънига тегмаслиги керак. Катта «ўйин»лар эса бундай «оддий аъзолар»нинг на қалами, на овози етадиган катта идораларда бўлган. Суҳбатда зикр этилган «коммунистик ғояларни кўтариб юрганлар», «Оламшумул» стратегия ва тактикаларни ўйлаб чиқарганлар ҳам ўша ерлардаги «валломат»лар эди. Қолганларнинг вазифаси — аъзолик бадалини вақтида тўлаш, итоат этишдангина иборат бўлган, холос.

Қардош республикаларга келсак, уларнинг раҳбарларидан тортиб оддий коммунистларгача асосан ўша «қолганлар» тоифасига мансуб эди. Шунинг учун ҳам улар ўзлари етакчи бўлган республикаларнинг хоҳиш-иродасини ифода эта олмасдилар. Хусусан, бизнинг республикамизда машъум «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ниқоби остида юз берган қатағонга йўл қўйиб бердилар. Нафақат халқни, балки ўзларини ҳам ҳимоя қилолмай, ана шу гирдобга ғарқ бўлдилар.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг ўша вақтда бу ваҳший тўлқинга мардонавор қарши турганини, собиқ СССРнинг турли бурчакларидаги турмаларда боя айтилган «иш»лар бўйича азоб чекаётган юзлаб бегуноҳ юртдошларимизни озодликка чиқарганини эсламасак, бу қатъиятли, жасоратли юртбошимизнинг халқимиз олдидаги улкан тарихий хизматларидан бири эканини эътироф этмасак, инсофдан бўлмас.

Собиқ Коммунистик партияга бугунги ёндашувимизни изоҳлаш, уни қайта тиклашга эҳтиёж бор-йўқлигини аниқлаш учун шунинг ўзи кифоя эмасмикан? Президент таъбири билан айтганда: «Шуларни барчасидан кейин бу масалаларга бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши мумкин?».

Шунча гап-сўз, бошимиздан кечган тўфону офатлардан кейин эндигина пешонамизга офтоб теккан бир пайтда яна ўша замонларни қўмсаш, бўйнимизга «олтин занжир»ни илиш истаги туғилиши мумкинми? Балки, ўша пайтда пичоғи мой устида бўлган, янги замонда мансаб тулпоридан тушиб қолган айрим кимсалар «бахтли ўтмиш»ни соғинса соғинаётгандир. Лекин улар эрк нималигини эндигина ҳис эта бошлаган халқ олдида уммондан томчи ҳам эмас-ку! Президент Ислом Каримов ўша суҳбатда қатъий равишда «Бизда миллий Коммунистик партия тузиш учун ижтимоий замин, мен ҳатто миллий замин деган бўлардим, бундай замин йўқ», деганида ана шу ҳақиқатни, халқимиз руҳиятидаги ўтмиш алам ва изтиробларини назарда тутган бўлса ажаб эмас!

Бугун вазият ҳам, одамларнинг дунёқараши ҳам мутлақо ўзгача. Ҳеч ким ҳеч қаерда қайси партияга мансублигимизни сўрамайди. Ҳар ким ўз қобилияти, иқтидорига яраша эл фаровонлиги йўлида меҳнат қиляпти. Машҳур беш тамойилнинг бирида айтилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан ҳоли. Иқтисодий фаолият эркин. Минглаб ёшлар чет элларда ўқияпти. Дунё Ўзбекистонга, Ўзбекистон дунёга очиқ. Фақат бир нарса — ниятнинг поклиги, фаолиятнинг қонунийлиги талаб қилинади, холос.

... Мен кейинги йилларда хизмат юзасидан кўплаб хорижий мамлакатларда бўлдим. Имкон қадар уларнинг ҳаёти, турмуши билан танишдим. Ҳурфикрлилик, соғлом, ҳалол рақобат эса ҳам иқтисодиёт, ҳам жамият тараққиётининг асоси эканига амин бўлдим. Дунёдаги барча мутараққий давлатлар ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда такомилга эришганига гувоҳ бўлдим. Гарчи буни марксизм «даҳо»лари жамиятдаги «антагонистик» зиддиятлар, деб миямизга қуйиб келган бўлсаларда, мустақиллик шарофати ила кўзимиз очилиб, бу асл ҳақиқатларнинг туб моҳиятига етаётганимизга, мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётнинг ўзига хос ва тўғри йўлидан кетаётганига шукрона айтаман.

...Айни вақтда қанча-қанча йиллар зое кетганидан, бир неча авлод умри саробга ишониб ўтганидан ўкинаман. Бу ўкинч бугунги кунларни янада қадрлашга, мустақиллигимизни тағинда мустаҳкамлаш учун бутун куч ва қобилиятни, ақл-заковатни сарфлашга даъват этади.

**Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**
**(ЎзА).**

